

Қишлоқ Хўжалигини Барқарор Ривожлантиришнинг Асосий Йўналишлари

С. Т. Искандаров¹, Г. Садиқова²

Аннотация: Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш орқали озиқ-овқат маҳсулотларига булган талабни қондириш, инновацион ва креатив ғояларни шакллантириш ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Таянч иборалар: Барқарорлик, барқарор ривожланиш, агроэкология, ижтимоий мақсад, иқтисодий мақсад.

Мамлакат аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар соҳада институтчионал ўзгаришлар, мулкчилик, хўжалик юритиш шакллари, экинлар структурасини такомиллаштириш билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда маълум ўзгаришларга олиб келди. Эндиликда Ўзбекистон ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаган ҳолда, аграр соҳа маҳсулотлари экспорт ҳажминини ҳам кўпайтирмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар кўпроқ бугунги кунги натижага эътибор бериши барқарорликни таъминламаяпти. Кўпчилик ҳолларда экинлардан юқори ҳосил олинишига қарамасдан, рентабеллик даражаси паст бўлмоқда, баъзи ҳолатларда эса хўжаликлар зарар билан фаолият юритмоқдалар.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев "...қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга қаратилган комплекс дастурларни татбиқ этиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда маҳсулот етиштириш турлари ва экспорт ҳажмлари ортишини таъминлаш устувор мақсадларимиз бўлиб қолаверади..." деб таъкидлаган эдилар.

Барқарор қишлоқ хўжалиги маълум бир даврдаги юқори самарадорликка эришиш эмас, балки узоқ келажакда ҳам аҳолини меъёр даражасида экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом ашё билан таъминлаб туришдан иборат.

Шунинг билан бир қаторда, барқарор қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштиришда фан ва техника ютуқларига таянган ҳолда, ноанъанавий кам харажат талаб қиладиган ва экологик мувозанатни сақлаб турадиган технологияни қўллашни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш муаммоси кўп қиррали бўлиб, унинг ечими қуйидагилардан иборат:

- барқарор ривожланишнинг асоси бу иқтисодий, экологик, ижтимоий ҳолат ва маънавий ҳаёт ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ер, сув, меҳнат ва моддий ресурсларнинг юқори сарфига асосланган интенсив технологиядан воз кечиш;
- қишлоқ хўжалигида харажатларни бошқариш тизимини шакллантириш ва қўлланилаётган технологияни маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишини таъминлаш;
- ресурс бирлиги ҳисобига (ер, сув, меҳнат, моддий ва бошқа) олинаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш;
- тупроқнинг ортиқча шўрланиши ва унинг структураси бузилишини, балл-бонитетини пасайиб кетиши ва сув ресурсларини ортиқча ифлосланишини олдини олиш;
- қайта тикланадиган ресурслар тикланишининг секинлашаётганлигини ҳисобга олиб, қайта тикланмайдиган ва тикланадиган ресурслар сарфини қисқартириш;
- қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашишини олдини олиш ва соҳа рентабеллигини кўтариш.

¹ АҚХАИ Агробизнес ва маркетинг кафедраси доценти, PhD

² АҚХАИ иқтисодийёт мутахассислиги 2-босқич магистранти

таъкидлаш жоизки, бугунги кунда бу муаммоларни комплекс равишда хал қилиниши йўлга қўйилмаган. бу борада тегишли ҳуқуқий ва меъерий ҳужжатлар ҳам қабул қилинмаган. олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалигида агроэкология, иқтисодий, ижтимоий ҳолатларга берилган баҳо ва таклиф ҳамда тавсиялар янада чуқурроқ таҳлилларни талаб қилади ва бу соҳадаги илмий изланишлар кўламини кенгайтиришни тақозо этади.

мазкур “барқарор қишлоқ хўжалиги” концепцияси юқоридаги муаммоларни ҳисобга олган ҳолда соҳани бундан буён ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқишга қаратилган. барқарор қишлоқ хўжалиги ва қишлоқларнинг ривожланиш концепцияси учта бир-бири билан боғлиқ бўлган муҳим мақсадларни амалга оширилишига қаратилган: атроф-муҳитни соғлом сақлаш, фермер хўжаликлари даромадини ошириш, жамиятда иқтисодий ва ижтимоий адолатни ўрнатиш.

Барқарорлик тушунчаси, мазмуни ҳамда моҳияти. Барқарор ривожланиш салбий оқибатлари тўлиқ ҳисобга олинмаган тезкор (интенсив) иқтисодий ўсишдан фарқли ўлароқ, аҳолининг бугунги кунги талабини қондириш билан, келажак авлоднинг эҳтиёжларини таъминлашни ҳавф остига қўймаслик деб таърифланди.

“барқарор ривожланиш” термини умум қабул қилинганлиги қишлоқ хўжалиги амалиётида “барқарор қишлоқ хўжалиги” (“sustainable agriculture”) терминини вужудга келишига сабаб бўлди. Қишлоқ хўжалигини юритишнинг янги йўналишининг моҳияти ва амалга ошириш йўллари давлатлар миқёсида, шунингдек, ФАО каби халқаро ташкилотлар доирасида фаол муҳокама қилинмоқда. Бу ривожланган ва ривожланаётган давлатлар учун бирдек қулай ва маъқул ҳисобланмоқда. Унинг асосий тавсифи – ижтимоий, иқтисодий ва экологик мақсадларнинг ўзаро мувофиқлигидир.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши таҳлил қилинганда, тармокни юритишдаги асосий салбий ўзгаришлар иқтисодиётга бориб тақалмоқда. Булар асосан қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари баҳолари ўртасидаги номутаносиблик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда харажатларнинг ортиб бориши, аҳоли даромадларининг камайиши, атроф-муҳитга салбий таъсирнинг ортиб бориши ва бошқалар. Маълумки, сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги интенсив модель (интенсив технология) асосида олиб борилмоқда. Интенсив технология қуйидагиларга асосланган:

- ✓ ишлаб чиқариш жараёнида сотиб олинмаган ресурслардан, жумладан кимёвий ўғитлар ва химикатлардан кенг фойдаланиш;
- ✓ молиялаштиришни ташқи манбаларга–кредит, давлат субсидиялари ва дотацияларига боғланганлиги;
- ✓ бир хил экин турига ихтисослашиш, узок йиллар давомида бир майдонда бир турдаги экин экилиши (масалан пахта ва ғаллага ихтисослашганлик).

Шундай қилиб, ҳозирги пайтгача қўлланилаётган қишлоқ хўжалигини юритиш тизими ўзининг шароит ўзгаришига тез мослашувчан эмаслиги ва капитал сиғими юқори эканлигини кўрсатмоқда. Натижада қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ресурслар, жумладан, ЁММ, кимёвий воситалар ва уруғликлар нархларининг ортиб кетиши, қишлоқ аҳолиси даромадларининг пастлиги, шунингдек, минерал ўғитлар, захарли кимёвий воситаларнинг қўлланилиши, оғир техникадан фойдаланиш, ер ресурслари сифатининг ёмонлашуви, экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келиши хўжалик юритишнинг альтернатив (муқобил) усуллари ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муқобил-барқарор қишлоқ хўжалиги стратегияси эса, нафақат экологик балки, ижтимоий, иқтисодий ва технологик барқарорликни ўзида мужассамлаштириши зарур.

Агроэкология нуктаи назаридан, барқарор қишлоқ хўжалигида қайта тикланадиган ресурслардан фойдаланиш суръатлари уларнинг қайта тикланиши суръатларидан ва атроф муҳитнинг ифлосланиши даражаси экотизимнинг тикланиши даражасидан юқори бўлмаслиги лозим. Бундан келиб чиқадики, барқарор қишлоқ хўжалиги, айни вақтда юқори самарадорликка эмас, балки узок келажакда ҳам инсониятни озик-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга шароит яратиши зарур. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, барқарор қишлоқ хўжалиги, ерни ва тупроқ унумдорлигини фақатгина ишлаб чиқариш воситаси сифатида эмас - келажак авлодларига қолдирилувчи мерос, бойлик деб тушуновчи дехқонлар психологияси билан уйғун ҳолда талқин этилишига олиб келади.

Иқтисодий нуктаи назардан, барқарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни сотиб олинмаган ресурсларга кам даражада боғлиқлиги ва ишлаб чиқаришнинг юқори диверсификацияси билан ажралиб туради. Шу билан биргаликда таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигини юритишнинг янги тизимини ўзлаштириш дехқонлардан юқори даражадаги интеллектуал салоҳиятни талаб қилади. Яъни, моддий ресурслар ўрнини юқори даражадаги бошқариш ва дехқончилик маданияти маълум даражада қоплаши мумкин. Бунда ресурсларни тежовчи, ахборот сиғими юқори бўлган ривожланиш моделига ўтилади. Тармоқнинг диверсификациялашуви эса ишлаб чиқарувчиларни муайян турдаги маҳсулотлар бозоридаги конъюнктуранинг ўзгаришига боғлиқлигини камайтиради.

Ижтимоий нуктаи назардан барқарор қишлоқ хўжалиги экологик тоза ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш орқали истеъмолчилар соғлигига ижобий таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигини юритишда атроф-мухитнинг кам даражада ифлосланиши ҳам аҳоли турмуш шароитига ижобий таъсир кўрсатади.

Технологик нуктаи назардан, барқарор қишлоқ хўжалиги табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, алмашлаб экишни кенг миқёсда жорий қилиш, ўсимликлар касалликлари ва зараркундаларига қарши курашда биологик усулдан фойдаланиш, азот ҳосил қилувчи (азотофиксатор) мойли ва дуккакли экинларни экиш, компост ва табиий ўғитлар орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш каби муаммоларни ўз ичига олади.

Шунингдек, барқарор қишлоқ хўжалиги, хўжалик юритишда дехқончилик ва чорвачилик ўртасидаги мувозанатни сақлашни тақозо этади.

Шундай қилиб, барқарор қишлоқ хўжалиги янгилик эмас, аксинча, анъанавий дехқончилик маданиятининг энг маъқул тажрибалари билан илмий-тадқиқот ва ишланмаларнинг янги натижаларини ўзида акс эттирувчи тизим сифатида намоён бўлади.

Барқарор қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий этибор озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити, даромадлари ва атроф мухитнинг муҳофазасига қаратилади, бошқача қилиб айтганда, асосий мақсад-максимал ҳосил олиш эмас балки, иқтисодий самара берувчи ва сифатли ҳосилдорликка қаратилиши ҳамда бу жараён босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Бунинг учун:

- биринчидан, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг аниқ ташкилий-иқтисодий-ҳуқуқий механизмини яратилиши;
- иккинчидан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солишнинг модели асосан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эмас, балки атроф мухитни муҳофаза қилиш орқали маҳсулот сифатини яхшилашга ва сотишга қаратилиши ҳамда дехқончилик ва чорвачилик ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилиши;
- учинчидан, минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилиш учун кимёвий воситалардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда кимёвий усулни биологик усул билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб бориш;
- тўртинчидан, илғор технология ва усуллардан самарали фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ходимларининг (фермер ва сервис хизмати кўрсатувчилар) билим ва малакасини ошириш масалаларини хал қилиш лозим.

шундай қилиб, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши бешта омилни бажаришни талаб қилади:

- ✓ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- ✓ атроф-мухитнинг тоза бўлиши ва мувозанатни сақлаб туриш;
- ✓ табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;
- ✓ фермер хўжаликларини иқтисодий барқарорлигини таъмин қилиш;
- ✓ аҳолининг турмуш даражасини юқори кўтариш.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг зарурияти. Мамлакат аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар соҳада институционал ўзгаришлар, мулкчилик, хўжалик юритиш шакллари, экинлар структурасини такомиллаштириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда маълум ижобий ўзгаришларга олиб келди. Айни пайтда мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам равишда таъминлаб туришга эришилмоқда. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида мавжуд имкониятлар етарлича ишга солинмаяпти. Жумладан, ресурслардан (ер, сув, меҳнат ва моддий ресурслар) фойдаланиш паст даражада бўлмоқда. Ерларни шўрланиш даражаси йилдан-йилга ошиб, балл-бонитети пасайиб бормоқда. 2020 йилга келиб 2005 йилга нисбатан республика бўйича шўрланган ерларнинг улуши 49,1 фоиздан 62,5 фоизгача ошган, балл-бонитети эса ўртача 3 баллга пасайган. Сувларнинг ифлосланиш ва шўрланиш даражаси ёз ойларида ўртача 1,9-2 г/л.гача кўтарилмоқда. Тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетишига оғир техника ва химикатларни кўп ишлатилиши ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакат қишлоқ хўжалигида экологик вазиятни ёмонлашуви ва маҳсулот бирлиги учун меҳнат сарфини ошишига ҳамда кўпроқ моддий ресурслар сарфланишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кўпроқ бугунги кундаги натижага қараб фаолият юритмоқдалар. Аксарият ҳолларда экинлардан юқори ҳосил олинишига қарамасдан ишлаб чиқариш рентабеллиги паст бўлмоқда, айрим хўжаликлар эса зарар билан фаолият юритмоқдалар.

Буларнинг барчаси бевосита қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришни таъминлаш, келажакда мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишнинг бозор муносабатларига мос механизмини жорий этиш ва мунтазам такомиллаштирилиб борилишини тақозо этади.

Мамлакат кишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишига ўтиш, биринчи навбатда, тупроқ унумдорлигини пасайишини, сувни ифлосланишини олдини олиш, кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини бир меъёрда ушлаб туриш уни рентабеллик даражасини ошириш ҳисобига фермерлар даромадини кўпайтириш имкониятини беради.

Иккинчидан, экинлар таркибини такомиллаштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тиббий меъёрга яқин даражада таъминлаб туриш билан бир қаторда тупроқ унумдорлигини ошириш, чорвачилик билан ўсимликчилик ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали чорвачиликни ҳам ривожлантириш имкониятини беради.

Учинчидан барча турдаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига кишлоқ хўжалигини барқарор рентабеллик сохага айлантириш имкониятини беради.

Тўртинчидан, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кимёвий воситаларни қўллаш қисқартирилади ва аксинча, биологик ҳамда интеграциялашган ҳимоя услубларидан кенг фойдаланилади, бу эса атроф муҳит ифлосланишини олдини олиб, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Бешинчидан, тупроққа ишлов бериш минималлаштирилади, яъни техника воситаситалари даладан бир маротаба ўтишда бир нечта операцияни бажариш ва шу орқали тупроқнинг ортиқча зичланишига йўл қўймаслик ҳамда бошқа турдаги ресурслардан ҳам оқилона фойдаланиш имконини беради.

Фойдаланилган Адабиётлар

1. S.T.Iskandarov “Current Status Of Vegetable Production, The Role And Importance Of Greenhouse Vegetable Growth” *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*. 2020/10/16. P-6-11.
2. С.Т.Искандаров “Развитие в Узбекистане системы обеспечения выращивания тепличных овощных культур кредитными ресурсами” *Ж. Academy*. 2019г. 6 (45). Ст.35-39
3. Iskandarov S. T., Toshpolatov D. S. Assessment of Economic Efficiency of Vegetable Production in Greenhouses // *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*. – 2020. – Т. 22. – №. 2. – С. 251-257.
4. Dustmurodov, G. G., Yunusov, I. O., Ahmedov, U. K., Murodov, S. M., & Iskandarov, S. T. (2020). The mechanism for the development of public-private partnerships in agriculture (on the example of the Republic of Uzbekistan). In *E3S Web of Conferences* (Vol. 224, p. 04042). EDP Sciences.
5. Искандаров С. Т., Эгамбердиева Ш. А. Развития рынка плодоовощной продукции в Узбекистане // *Эффективность применения инновационных технологий и техники в сельском и водном хозяйстве*. – 2020. – С. 236-238.
6. Искандаров С. Т. Развитие в Узбекистане системы обеспечения выращивания тепличных овощных культур кредитными ресурсами // *Academy*. – 2019. – №. 6 (45). – С. 35-39.